СПИСАНО
...ССР Давлат китоб палатаси



*Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

6 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА № 3 (508). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

# ТОШКЕНТ УЧРАШУВИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМДЎСТЛИГИ УЧУН ЗАМИН ҲОЗИРЛАДИ

## ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК — ЭНГ МАҚБУЛ ВОСИТА

**Яқинда ўз миллий мустақиллигини қўлга киритган Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистон Республикаларининг янги 1993 йилдан умидлари катта. Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари давлат раҳбарларининг янги йилнинг дастлабки кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви ана шу орзу-умидларни рўёбга чиқариш йўлида ўзаро ҳамкорлик энг мақбул восита эканлигини исботловчи яна бир муҳим қадам бўлди.**

Чунки собиқ империянинг қоғозда ўйлаб топилган «планли тараққиёт»и асоратларидан ҳеч қайси янги мустақил давлат бир ҳамла билан қутула олмайди. Лекин бу ҳол ўша империяни, айрим улуғ давлатчи шоввозлар айтаётгандай, қайта тиклабгина мурод ҳосил қилинади, дегани эмас. Сабаби, ҳеч бир миллий мустақиллик иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳалар бўйича ҳамкорликни инкор этмайди. Фақат ҳамкорлик баҳосида унинг эркига дахл қилинмаса бўлгани.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлат раҳбарларининг Тошкент учрашуви илгаригиларидан кескин фарқ қилади. Яъни, келгусида бу минтақадаги давлатларнинг янги — Марказий Осиё Ҳамдўстлиги (МОҲ) барпо этилиши учун замин ҳозирланди. Иқтисодий ва молиявий соҳаларда яқиндан ҳамкорлик қилиш, ўзаро келишилган ҳолда сиёсат юргизиш, ягона бож қоидаларини ва солиқ тизимларини ишлаб чиқиш, нархларни белгилаш каби омиллар бозор муносабатларига ўтиш шароитида бу давлатлар аҳолисини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишда қўл келади, иқтисодий таназзулдан чиқишга ёрдам беради, пулнинг бундан ҳам қадрсизланиб кетиши олдини олади. Сабаби, бу минтақадаги халқларнинг тақдири кўп жиҳатдан ана шу ҳамкорликнинг қай даражада йўлга қўйилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки ўзини собиқ СССРнинг вориси деб эълон қилган Россиянинг пул ҳамда нарх-наво бобида бошқа республикалар билан ҳисоблашмай юргизаётган сиёсати Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётига ҳам ҳалокатли таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун минтақадаги давлатлар манфаатларига мос келадиган, уларнинг иқтисодиётини ташқи тазйиқдан бемалол ҳимоя қила оладиган сиёсатни ишлаб чиқиш вақти етди. Чунончи, шароит давлатларнинг ўз валютасини муомалага киритиш масаласини қайта-қайта кун тартибига қўймоқда.

Бу минтақа ўз табиий бойликлари жиҳатидан ҳам, иқтисодий потенциалини ҳисобга олганда ҳам дунёдаги ҳар қандай мамлакат билан бемалол рақобатлаша олади.

Кучларни бирлаштириш ва янги Ҳамдўстлик барпо этишдан яна бир муддао таркиб топаётган бозор муносабатлари шароитида бевосита мазкур минтақа келажагига дахлдор Орол ва Каспий денгизлари муаммоларини ҳал этиш заруратидир. Империядан мерос бўлиб қолган бу ҳалокатли муаммони ҳеч бир республика ўз ҳолича ҳал қила олмайди. Буни яхши англаб етган давлат раҳбарлари беш республика иштирокида қўшма жамғарма тузиш ва у бевосита ҳалокат зонасида жойлашган шаҳарларда фаолият кўрсатиши лозимлиги хусусида келишиб олганлари улуғ ишнинг бошланиши бўлди, деб умид қилиш мумкин. Каспий денгизи муаммосини ҳал этишга манфаатдор томонлардан Эрон ва Россияни жалб этишга қарор қилинди.

Яна муҳим муаммолардан бири қўшни Тожикистондаги фуқаролар урушига чек қўйиш ва унинг оқибатларини тугатиш борасида ҳам шошилинч чоралар кўриш зарур. Бу қўшни республиканинг қарийб издан чиқиб кетаёзган иқтисодиётини тиклаш, уруш уқубатларини тортаётган тожик халқига инсонийлик ёрдами кўрсатиш борасида ҳам раҳбарлар якдиллик кўрсатишди. Мустақил республиканинг ҳудудий яхлитлигини бузишга ҳамда ички ишларига бошқаларнинг аралашишига йўл қўймаслик минтақадаги осойишталик ва ўзаро муросани таъминлашнинг гарови бўлиб қолади.

Қисқаси, 55 миллион киши яшайдиган минтақада таркиб топаётган бозор муносабатларини ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди. Уларни ўзаро мувофиқлаштириш иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда Марказий Осиё Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг юк ташишда энг арзон ва қулай восита — дунё сув йўлларига тезроқ чиқиш имконини беради. Бунинг учун тарихи, дини ва маданияти бир бўлган халқларни янада яқинлаштириш зарур. Шу мақсадда таркиб топажак Ҳамдўстликнинг давлатлараро янги рўзномаси Олмаота шаҳрида, Марказий телевидениеси Тошкент шаҳрида ва бошқа тузилмалари қолган қардош республикалар пойтахтларида жойлашадиган бўлди. Бу бус-бутун қайта тикланажак иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар учун мустаҳкам пойдевор бўлиши шубҳасиз.

Янги Ҳамдўстлик тузишдан мақсад бозор иқтисодиётига ўтиш қийинчиликларини енгишда минтақадаги янги имкониятларни ишга солиш борасида ҳамкорлик қилишдир. Бу биринчи навбатда Қозоғистоннинг ғалласи, хом нефти, Ўзбекистоннинг пахтасига бўлган минтақа халқларининг эҳтиёжи қондирилиши зарурлигини билдиради.

Янги таркиб топаётган Ҳамдўстлик билан МДҲга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатларга келсак, Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари ҳеч қайси давлат ёки Ҳамдўстлик билан мавжуд алоқаларни узмоқчи ёки қайта кўриб чиқмоқчи эмас. МДҲ давлат раҳбарлари учрашувлари чоғида имзоланган ҳужжатлар ёки икки томонлама шартномаларда кўзда тутилган иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорлик давом эттирилаверади. Бу собиқ СССРни тиклаш керак, деган пуч даъволарга асос бўла олмайди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бот-бот такрорлаётганидай, тарихни ортга қайтариб бўлмайди. У ҳамиша илгарилаб бораверади.

Куни кеча Тошкентда ўтган бу учрашув ҳам халқларимиз ҳаётида муҳим воқеа, олға ташланган жасур қадам бўлиб қолажак.

**Фахриддин НИЗОМОВ.**
**(ЎзА).**

● *Арафадаги суҳбатлар*

## ЭСКИСИДАН ХУРСАНДМИЗ, ЯНГИСИДАН — УМИДВОР

**Зикрилла РАҲМАТУЛЛАЕВ, [illegible]ўн Чирчиқ туманидаги «[illegible]ёк» совхоз-заводининг директори, вилоят кенгаши депутати.**

— 1992 йил халқимизнинг асрлар бўйи орзу қилиб келгани — мустақилликнинг бир йиллиги зўр тантана билан нишонланган, Ўзбекистонни озод мамлакат сифатида дунёдаги бир қанча мамлакат тан олган қутлуғ йилдир. Энди республикамизнинг ўз байроғи, мадҳияси ва герби бор! Мана шу — ҳар бир ўзбекистонликман деган киши фахрланса арзийдиган воқеалар менинг ҳаётимда ҳам ўчмас из қолдирди.

Табиийки совхозимиз меҳнат аҳли Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва жаҳон бўйлаб кенг танилаётганлигидан руҳланиб, ҳар қачонгидан ҳам астойдил меҳнат қилдилар. Ҳар гектар боғдан 18 тоннадан мева ҳосили олишга муваффақ бўлдик. Ҳар гектар токзордан ўн тоннадан узум етиштирилди. Чорвачиликда ҳам ютуқларимиз чакки эмас.

Даромадга қараб буромад дейдилар. Халқимизни, айниқса ночор оилаларни ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор беряпмиз. Ҳар бир оилага арзон нархда 70 килограммдан шоли, 60 килограммдан буғдой тарқатдик. Муҳтож оилаларга текин ёрдам кўрсатдик. Мактаб ўқувчилари ва боғча болаларига бир маҳалдан бепул овқат бераяпмиз. Булардан ташқари маданий-маиший ва ободончилик соҳаларида ҳам талайгина ишлар қилинди. Уч ярим километр масофада водопровод қувури ётқизилгани, хонадонлар ичимлик сув билан таъминлангани, янги чойхона қурилгани ана шулар жумласидандир.

Келажакда мева етиштиришни янада кўпайтирамиз. Дарахтларга кимёвий ишлов беришдан воз кечдик. АҚШнинг «Давуланд» фирмаси билан ҳамкорликда ҳашаротларга қарши биологик кураш авж олдириляпти. Маҳсулотларимиз сифати жаҳон бозорида рақобатга дош берадиган даражада харидоргир бўлишига шубҳа йўқ.

Бир сўз билан айтганда эски йилдан хурсандмиз. Янгисидан умидимиз катта.

**Сотиболди ЮСУПАЛИЕВ, Ангрен шаҳар ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати**

1992 йил ҳеч шубҳасиз менинг ҳаётимда ҳам ўчмас из қолдирди. Аввало, Ўзбекистон халқ депутати сифатида Олий Кенгашнинг ҳамма сессияларида, жумладан, яқинда бўлиб ўтган аҳамияти жиҳатидан беқиёс ўн биринчи сессиясида қатнашганим, овоз берганим билан фахрланаман. Айни пайтда бутун халқимиз бу сессия қарорларини изчил амалга оширмоқда. Бизнинг Ангрен шаҳри аҳолиси ҳам сессия қарорларини маъқуллаган ҳолда Президентимиз фармонларини бажариш йўлида тинмай меҳнат қилишяпти.

Очиқ эътироф этиш керак, шаҳримиз ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўтган йилга нисбатан якунланаётган йилда 8—9 фоизга камайиши кўзда тутилмоқда. Лекин бу — халқимиз ёмон ишлагани оқибати эмас, албатта. Балки собиқ иттифоқ билан боғлиқ корхоналарнинг турли эҳтиёт қисмлар, хом ашё ва бошқа зарур нарсаларни ўз вақтида ололмаганлиги, бу соҳада узилишлар рўй берганлиги туфайли. Имоним комилки, яқин келажакда ишларимиз юришиб кетади. Ўшанда бу йўқотишларнинг ўрни ҳам тўлиши шубҳасиз. Бунинг учун ҳозирдаёқ пухта замин яратилмоқда. Айни пайтда шаҳардаги «Ўзбекрезина» ишлаб чиқариш бирлашмасида енгил автомашиналар учун резина ғилдираклар ва калиш ишлаб чиқарилмоқда. Керамика заводида эса иссиқликка чидамли ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Биз, президентимиз Ислом Каримовнинг фармонларини оғишмай амалга ошира бориб, нурли келажакнинг мустаҳкам пойдеворини яратаяпмиз. Айниқса, кичик ва кўчма корхоналар қуришга катта аҳамият бераяпмиз. Янги йилдан бошлаб Югославия билан ҳамкорликда аккумулятор ишлаб чиқариш бошланади. Испания билан биргаликда каолинни қайта ишлаш, ғишт ва черепица ишлаб чиқарадиган корхоналар бунёд этилади.

Янги йилда шаҳримизда янги чойхона, янги мактаблар қуриш, эски йўлларни асфальтлаш, аҳолини табиий газ билан таъминлаш ва бошқа соҳаларда ҳам анчагина хайрли тадбирларни бажаришни кўзда тутаяпмиз. Фикримча навбатдаги йил бу йилга нисбатан ҳам қутлуғ ва хайрли бўлади. У шаҳримизнинг ишлаб чиқариш суръатларини тезлаштиришда ҳам кескин бурилиш йили бўлади. Албатта, шунга яраша халқимиз турмуш фаровонлиги ҳам ошади.

## ЎЗБЕКИСТОН Ватаним маним

«ХАЛҚ СУЗИ» МУХБИРЛАРИ ВА МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ХАБАРЛАРИДАН

### ИШБИЛАРМОН ИСРОФНИ БИЛМАЙДИ

**Ҳалол тижоратнинг мазасини тушунганлар меҳнатининг маҳсулини увол қилмайди.**

ҚУМҚЎРҒОН туманидаги Зафар Бойматов номли жамоа хўжалиги деҳқонлари ўзлари етиштираётган маҳсулотларнинг беҳуда нобуд бўлишига чек қўйиш мақсадида консерва заводи барпо этдилар. Ҳозир бу ерда қовун қоқи, тарвуз шинниси тайёрланмоқда. Ишбилармонлар энди қовун уруғини аввалгидек ташлаб юбормай, даромад манбаига айлантиришди. Ҳозир яхши нав қовун уруғининг ҳар килосини 100—120 сўмдан пуллашяпти.

### БОЛАЛАРГА СОВҒАЛАР ТЕКИН УЛАШИЛДИ

**Наманган вилоятининг 450 мингдан зиёд ёш аҳолиси янги йил байрами кунларида совғалар билан сийландилар.**

ҲАР БИР совғанинг қиймати 110 сўмдан 125 сўмгача бўлди. Уларни тайёрлашга кетадиган харажатларни қисман касаба уюшмалари, корхона, ташкилот, хўжаликлар ўз зиммасига олди. Янги йил совғалари учун 30 тоннадан зиёд конфет ва қарийб шунча печенье, бошқа ширинликлар тайёрланди. Болалар боғчалари, мактаблар учун 2000 та арча сотиб олинди.

### ИШЛАГАНГА САЙРУ САЁҲАТ ЯРАШАДИ

**Социализмнинг «Меҳнат қилган элда азиз» шиори у пароканда бўлганидан сўнг рўёбга чиқа бошлади.**

ПАХТАКОРнинг меҳнати ҳеч қачон енгил бўлмаган. Айниқса, 1992 йилда улар катта қийинчилик билан хирмон уйдилар. Энди ана шу оғир меҳнатлари гаштини суриш пайти келди. Навоий вилояти деҳқончилик-саноат бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси илғор пахтакорлардан 400 кишини Туркистон, Тошкент, Олмаота, Бишкек шаҳарларига бир ҳафталик саёҳат учун текин йўлланма билан тақдирлади. Бир гуруҳ ишчи-хизматчиларга эса саёҳат сафарига, санаторийларга имтиёзли йўлланма берилди.

### 1992 ЙИЛНИНГ ЭНГ ҚИММАТ ОТИ

**От қимматми ёки машина! Бу саволга жавоб беришга ошиқманг, янглишиб қолишингиз мумкин, аввал мана бу хабарни ўқинг.**

ЯҚИНДА Ғаллаорол туманидаги Э. Исломов номли давлат хўжалигида бўлган кўпкарида бир от янги КамАЗ автомашинасига айирбошланди. Одамларнинг айтишича, ҳозир янги КамАЗ автомашинасининг нархи 2—3 миллион сўм атрофида. Бироқ тоғли музофотларда чопқир отларнинг нархи аллақачон миллион сўмга чиққан.

### УЧ МИНГ СЎМ ЎРНИГА БЕШ ЙИЛ «ОЛДИ»

**Автомобиль назорати инспектори билан ҳайдовчи ўртасидаги ўзаро баҳс прокуратуранинг аралашуви билан одилона ҳал бўлди.**

ИНСПЕКТОР Машраб Холиқов «12—54» ФЕО белгили «Волга»ни тўхтатиб, ҳайдовчига пўписа қилди:

— Ичибсан.

— Йўғ-е, саҳарлаб ичадиган одатим йўқ. Кеча ишдан сўнг 100 грамм ичганим рост, — деди содда ҳайдовчи. Инспекторга шу керак эди, тўрт йилга машина ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум қиламан, дея 3 минг сўм пора талаб қилди. Моянахўр одамга уч минг сўм — катта пул. Ҳайдовчининг Фарғона шаҳар прокуратурасига мурожаат қилишдан ўзга чораси йўқ эди.

Порани чўнтагига солган пайтда қўлга олинган М. Холиқовни вилоят суди беш йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

### ЭҲТИЁТСИЗЛИК ҚУРБОНЛАРИ

**Бухорога четдан ўқишга келган талабаларни номаълум шахслар ўлдириб кетгани ҳақида миш-миш тарқалди.**

ҲАҚИҚАТАН ҳам Қорақалпоғистондан келган икки талаба билан шофирконлик яна бир талаба ўзлари ижарада турадиган уйда ҳаётдан бевақт кўз юмишган. Хона синчиклаб текширилди, аммо жиноят излари топилмади.

Маълум бўлишича, уй эгаси йўқлигидан фойдаланган талабалар совуқ болохонадан тушиб, дераза орқали уйга кириб ётишган. Бахтга қарши хонадаги қувур носоз бўлиб, газ чиқиб турган, оқибатда уч талаба заҳарланиб вафот этган.

*Ўзбекистон Республикасининг Қонуни*

# ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА БОШҚА ЎЗИЮРАР МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАР ЭГАЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ТЎҒРИСИДА

**1-модда. Солиқ тўловчилар**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ва ҳаво тўлдирилган резина ғилдиракли транспорт воситаларига ҳамда бошқа ўзиюрар машиналар ва механизмларга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар (шу жумладан ажнабий шахслар) транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқни тўловчилар ҳисобланади.

**2-модда. Солиқ тўлаш тартиби ва муддатлари**

1. Транспорт воситаларидан ҳамда бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқ ҳар йили тўланади. Солиқ транспорт воситалари рўйхатдан, қайта рўйхатдан ёки техник кўрикдан ўтказилгунга қадар тўланади.

Транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқ тўловлари суммаси тўловчилар — корхоналар ва ташкилотлар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, бажарилган ишлар ҳамда хизматларга доир ҳаражатлар таркибига киритилади.

2. Солиқни тўлаш муддатлари халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ва шаҳарлардаги туман ҳокимлари томонидан, лекин 1-июлдан кечиктирмасдан белгиланади.

**3-модда. Солиқни ҳисобга ўтказиш ва ундан фойдаланиш тартиби**

Транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқ пули тегишли маҳаллий бюджетларга ўтказилади ва йўлларни таъмирлаш, қуриш ҳамда ободонлаштириш учун ишлатилади.

**4-модда. Солиқ ставкалари**

Транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқ миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси белгилайди.

**5-модда. Солиқ бўйича имтиёзлар**

1. Транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқдан қуйидагилар озод этиладилар:

давлат бюджети ҳисобида турадиган муассаса ва ташкилотлар;

пахта териш, дон йиғиш комбайнлари ҳамда бошқа махсус комбайнлар эгалари;

шаҳарларда (таксидан ташқари) ва шаҳар атрофига қатнаб йўловчилар ташувчи умумфойдаланишдаги автотранспорт корхоналари;

Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, Ватанни ҳимоя қилиш бўйича бошқа жанговар операцияларда ҳарбий қисмларда, штабларда ва ҳаракатдаги армия таркибига кирувчи муассасаларда хизматини ўтаган ҳарбий хизматчилар, шунингдек собиқ партизанлар, байналмилалчи жангчилар жумласидан бўлмиш шахслар;

қўл билан бошқариладиган мотоколяскаси ва автомобили бор ногиронлар.

2. Солиқ:

а) йўлларни таъмирлаш ва қарамоғида сақлаш ишларида банд бўлган йўл хўжалиги корхоналари ҳамда ташкилотларининг транспорт воситалари ва механизмлари учун;

б) давлат дастурлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари учун кадрлар тайёрлашда фойдаланиладиган транспорт воситалари ва механизмлари учун ундирилмайди.

**6-модда. Солиқ тўловчиларнинг жавобгарлиги**

Транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқни ўз вақтида тўламаган солиқ тўловчилар муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун (шу жумладан тўлов тўланган кунни қўшган ҳолда) қарз суммасининг 0,5 фоизи миқдоридаги пеня билан тўлайдилар.

Нотўғри солинган солиқни бутун ўтган давр учун қайта кўриб чиқилишига йўл қўйилади.

**7-модда. Ушбу Қонунни қўлланишга доир йўриқнома**

Ушбу Қонунни қўлланишга доир йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ бош бошқармаси томонидан чиқарилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 декабрь.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

**«ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА БОШҚА ЎЗИЮРАР МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАР ЭГАЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқ тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1993 йил 1 февралидан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1 февралгача бўлган муддатда:

— транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқ миқдорини белгиласин;

— ҳукуматнинг, вазирликлар ва давлат идораларнинг меъёрий ҳужжатларини мазкур Қонунга мувофиқ ҳолга келтирсин;

— қонуннинг қўлланилишини таъминловчи зарур ҳужжатлар чиқарилишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Кенгашининг Раиси**
**Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 декабрь.

*• Иқтисодиёт янгиликлари*

# ХИЗР НАЗАРИ ТУШГАН ЕР

**ШАРҚНИНГ нафис ва жозибали кулолчилиги доимо дилларга завқу шавқ бериб келган. Эндиликда бу анъанани давом эттиришга интилаётган саноқли корхоналар қаторида Ангрен керамика комбинати ҳам бор.**

Дейдиларки, Хизр бува назари тушган ердан қутбарака аримайди. Ангрен шаҳри атрофидаги ерларга ҳам Хизр назари тушган бўлса ажаб эмас. Чунки кўп йиллардан бери бу замин тупроғи кулолчилик идишлари ясаш учун энг сифатли хомашё вазифасини ўтамоқда.

Бу ерда корхона ташкил топган кундан бери меҳнат қилаётган усталар оз эмас. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан замон талабига мос идишлар, уй-рўзғор анжомлари, қурилиш ашёлари чиқариш кенг йўлга қўйилган. Миллий услубда безатилган гулдонлар киши кўзини қамаштиради. Уларнинг исми ҳам жисмига мос — «Қомати сарв», «Шодлик», «Тўёна», нафис ва жарангдор пиёлалар эса «Учрашув», «Оқшом» деб номланса, гулдор лаганлар «Қардошлик», «Шарқ» деб аталади. Ўзбекона чойнакларга эса «Оила» ва «Дўстлик» дея рамзий номлар берилган.

Ҳозирги кунда жумҳуриятимиз ҳудудидаги кўплаб боғча ва мактаблар, уйжой ва шифохоналар, кошона ва санъат саройлари Ангрен керамика комбинатида тайёрланган гулдор кафеллар, пардозлов ашёлари билан безатилган.

1975 йилда комбинатда кулолларнинг катта кенгаши ўтказилганда усталар ўз маҳсулотларидан намуналар йиғиб, бир залга тўплаган эдилар. Шу тариқа антиқа идишлар музейига асос солинган эди. Бугунги кунда музейдан 1000 дан зиёд кўркам идиш ва буюртмалар жой олган. Корхона ишчилари бу музейда из фаолиятлари тарихи ва ижодлари намуналари акс этгани учун уни фахр билан намойиш қилмоқдалар.

Ҳозирги мушкул иқтисодий алоқалар даврида ҳам комбинат ўзга юртлар корхоналари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Узоқ Шарқ мамлакатлари, Украинадан қуйдиргичлар, бўёқлар олиб келиниб, ишлаб чиқариш суръати бир маромда давом эттирилмоқда.

Корхона хорижий фирмаларни ҳам қизиқтирмоқда. Чунончи, япон кулоллари билан ижодий ҳамкорлик ўрнатилди. Улар корхона усталарини халқаро миқёсда иш юритишга ўқитиш таклифини киритдилар. Бу келажакда корхонанинг халқаро иқтисодий алоқалари ривож топишига имкон беради.

**Маъмур НАЗАР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*• Факт ва шарҳ*

# ЙЎЛКИРАНИНГ ОШИШИ МАЖБУРИЙ ЗАРУРИЯТ

**ЯНГИ 1993 йил Ўзбекистон учун бурилиш йили бўлиб қолмоғи керак. Мустақил жумҳуриятимиз иқтисодий жабҳаларда қўлга киритган дастлабки ютуқлар айнан шу йили мустаҳкамланмоғи ва янада бойиб бормоғи лозим. Ҳўжалик юритишнинг жумҳуриятимизда қабул қилинган бошқариладиган бозор андозасининг иқтисодий ва ҳуқуқий пойдеворини яратиш ишлари ниҳоясига етказилади. Бу жумҳурият транспорт мажмуаси ва аввало, соҳанинг энг оммавий тури бўлган йўловчиларни ташиш автомобиль транспортига ҳам тааллуқлидир.**

Жумҳуриятимизда жами йўловчиларнинг 80 фоизи автомобил транспортида ташилади. Унинг хизматидан кунига 6,5 миллиондан зиёд киши фойдаланади. Шаҳар ва шаҳар атрофидаги йўловчиларнинг 86 фоизига автомобил транспорти хизмат қилади.

Республика ҳукумати йўловчиларни ташиш автотранспорт корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, капитал маблағ сарфлаш. автобуслар қатнайдиган йўналишлар тармоғини кенгайтириш, автовокзал, автостанциялар қуриш ва таъмирлаш чораларини кўрмоқда.

Бироқ собиқ иттифоқдош жумҳуриятлар ўртасидаги хўжалик алоқалари узилганлиги ҳамда ташқаридан олиб келинаётган ёнилғи, эҳтиёт қисмлар, бошқа ашё ва ускуналар нархи кескин ошганлиги автомобил транспорти ишига акс таъсир кўрсатмоқда. Тармоқ корхоналари илгари ишлаб чиқаришга оид ва ижтимоий соҳалардаги масалаларни ўзлари ишлаб топган маблағлари ҳисобидан ҳал қилаверар эдилар. Энди бундай имкониятлар йўқ. Йўловчиларни ташишдан келаётган даромадлар сарф-ҳаражатларни қоплашга аранг етади. Шаҳар ва шаҳар атрофидаги автобуслар эса зарарига ишлайди. Буни қуйидаги мисоллардан яққол кўриш мумкин. 1992 йилнинг биринчи ярмида йўлкира 30 тийин бўлган пайтда бир йўловчини ташиш бир сўмга тушган бўлса, йилнинг учинчи чорагида йўлкира бир сўмга чиқиб, бир йўловчини ташиш давлатга 4 сўм 60 тийинга тушди. Охирги чорагига келиб йўлкира 2 сўмга, сарф-ҳаражат эса 7 сўм 70 тийинга чиқди.

Йўловчиларни ташишга сарфланадиган ҳаражатларнинг ошиши мажбурий зарурат бўлиб, у автомобиль ёнилғиси нархи 210 баравар, автобуслар нархи ўртача 102 баравар, енгил таксилар нархи 750 баравар ошганлиги сабабли юз берди.

1992 йилнинг охирги чорагида йўловчиларни ташишдан кўрилган зарар 1076 миллион сўмга етди. Шундан 475 миллион сўми шаҳар, 592 миллион сўми шаҳар атрофидаги автобусларга тўғри келади. Зарарларни қоплаш ва иқтисодий рағбатлантириш жамғармасини вужудга келтириш учун 1992 йилда жумҳурият бюджетидан икки миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Умумий фойдаланишдаги автотранспорт тармоғини ривожлантириш масалалари фақат жумҳурият бюджетидан маблағ ажратиш йўли билангина ҳал этилаётгани йўқ. 1993 йил учун юк ва йўловчиларни ташишни, саноат ишлаб чиқариши ва аҳолига транспорт-экспедиция хизмати кўрсатишни ривожлантириш, ҳаракатдаги автомобиль транспортларини мумкин қадар тўлароқ газ билан ишлашга ўтказиш дастури ишлаб чиқилиб, бажаришга киришилди. Тармоқда тайёрга айёрлик кайфияти йўқ. Қабул қилинган дастурни амалга ошириш соҳани МДҲ мамлакатларидан ташиб келтириладиган ўта қиммат ёнилғига қарамликдан халос этиш, эҳтиёт қисмларга, гараж ускуналарига, резина-техника буюмларига бўлган эҳтиёжни тўла қондириш имконини беради. Дастурда назарда тутилган чоралар ходимларни ўзларига топшириб қўйилган техникадан юксак самарали фойдаланишдан манфаатдор қилади. Тармоқда барпо этилган тижорат тизимлари автокорхоналарга зарур ашёларни ўртада турувчи воситачиларга нисбатан арзонроқ нархларда етказиб бериб, катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Бироқ автотехника, айниқса, автобусларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилмаслиги ва эркин бозорнинг йўқлиги МДҲ мамлакатларига ўз маҳсулотлари нархини осмонга кўтариш имконини бермоқда, оқибатда давлатнинг ёрдамига таянишга мажбур этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, автотранспорт тармоғи жумҳурият ҳукумати ва шахсан Президентнинг ёрдамини амалда кўрмоқда. 1993 йил учун тузилган битимга мувофиқ йилнинг биринчи ярмида Венгриядан «Икарус» автобусларининг ўта танқис эҳтиёт қисмларини, Жанубий Қурия ва Туркиядан автобусларни келтириш кўзда тутилмоқда. Бу тадбирлар йўналишлардаги автобуслар сонини кўпайтириб, аҳолига транспорт хизматини яхшилаш имконини беради.

Республика ҳукуматининг қарорига мувофиқ шу йилнинг 5 январидан бошлаб шаҳар автобусларида йўлкиранинг 3 сўмга чиқарилиши ва шаҳар атрофида йўлкиранинг 1,5 баравар оширилиши ҳам йўловчилар ташийдиган автотранспорт хизматини барқарорлаштиришга қаратилгандир. Бу мажбурий зарурат бўлиб, ўзга чораси йўқдир.

Йўлкиранинг бу тахлит ошиши ҳам шаҳар ва унинг атрофидаги автотранспорт ҳаражатларини қоплай олмайди. Республика бюджети ҳар бир йўловчи учун 4 сўмдан қўшимча ҳаражат ҳақини тўлайди. Ҳаракатдаги автомобилларнинг, уларга кетадиган ёнилғи-мойлаш ашёларининг, бошқа моддий-техник ресурсларнинг ҳозирги нархини сақлаб қолган ва меҳнатга тўланадиган ҳақни 25 фоиз оширган тақдирда жумҳурият бюджети 1993 йилда йўловчиларни ташишдан кўрилган зарарни қоплаш учун 7,2 миллиард сўм пул ажратиши керак бўлади. Бундан ташқари, айрим тоифа йўловчиларнинг текин ва имтиёзли юришларини ҳам тартибга солиш лозим. Буларга сарфланадиган бир йиллик маблағ миллиард сўмдан ошади. Чунончи, фақат ўқувчиларнинг бепул ёки имтиёзли юришлари учунгина 237 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланади. Қолган 770 миллион сўм маблағ ходимлари бепул ва имтиёзли юриш ҳуқуқига эга бўлган вазирликлар, идоралар, ассоциациялар, концерн ва корпорациялар ҳисобидан қоплариши керак.

1993 йилнинг дастлабки кунларида йўловчиларни ташиш автокорхоналари жамоаларида йўловчиларни ташиш автотранспорти ишини барқарорлаштириш ва самарасини ошириш, йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш дастури муҳокама қилиниб, уни амалга ошириш йўл-йўриқлари белгилаб олинмоқда.

**Л. АҲМЕТОВ,**
**Ўзбекистон Жумҳурияти автотранспорт вазири.**

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ. Зоминдаги бадиий буюмлар фабрикасида асосан ёшлар ишлашади. Лекин уларнинг ҳар бири ўз ишининг устасидир. Шунинг учун корхона аҳли бу йил 2 миллион сўмдан зиёд соф фойдани қўлга киритди.**

**СУРАТДА: ёш тўқувчи Дилфуза Ғаффорова.**

**Б. ТУРАЕВ олган сурат. (ЎзА).**

*• Хоразмда—тўй*

# «ПОЕЗИНГНИ ЖИЛДИРГАН ЎТХОНАСИ БИЛАН ДЎНГАЛАГИ»

**Хоразмдир узоқ округ,**
**Келмак қийин, темир йўл йўқ.**
**Келишингиз жуда шодлик,**
**Хуш келдингиз, Хоразмга!**

**Бундан 60 йил муқаддам машҳур санъаткор Сафо Муғанний ўзи ёзган ва басталаган ана шу қўшиқни куйлаб, Ўзбекистоннинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев истиқболига чиққан эди. Йўлдош ота Қуйи Амударё меҳнаткашларининг орзу-умидлари мужассам бу қўшиқдан ниҳоятда таъсирланади. Юпун кийинган халқ артистини бағрига босиб: «Темир йўл албатта қурилади», дея ваъда берди.**

Ота сўзининг устидан чиқади. Воҳага тез орада тадқиқотчи-муҳандислар гуруҳи, 1933 йили эса республика Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси Ф. Хўжаев ташриф буюради. СССР Фанлар академиясига «Хоразм вилоятининг транспорт муаммоси» мавзуидаги илмий маъруза тақдим этилади. Бироқ мудҳиш уруш туфайли улкан режанинг рўёбга чиқиши 10-12 йил ортга сурилди. 1947 йил 17 июнь куни қарийб 800 чақирим масофага чўзилган Чоржўй — Қўнғирот темир йўлига дастлабки пўлат из ётқизилди. Ўзбекистон меҳнаткашларининг ажойиб йўлбошчиси, республика Компартиясининг ўша пайтдаги биринчи котиби Усмон Юсупов 100 минг кишилик улкан жамоанинг асрга татигулик юмуши ва жасоратига оқ йўл тилади, оқ фотиҳа берди. Халқ қурилиши мисли кўрилмаган суръат ва миқёс касб этди. Бир далил, Чоржўйдан Урганчгача бўлган 400 километрлик масофада тупроқ кўтариш ишлари бор-йўғи 35 кунда тугалланди.

1952 йил, 18 декабрь. Бу кун Хоразм, Чоржўй, Тошҳовуз вилоятлари ва Қорақалпоғистон меҳнаткашлари учун унутилмас сана сифатида тарихга киради. Пешин маҳали маҳаллий аҳоли наздида илоҳий куч ҳисобланган «Оташ арава» пишқирганча Урганч шаҳрига кириб келди. Кўп асрлар мобайнида поёнсиз дашт ва қумсаҳролар қуршовида яшаган чекка воҳа, ниҳоят, ташқи дунё билан боғланди. Бунгача юклари фақат бир йўл — Амударё орқалигина ташиларди.

Ўша унутилмас воқеага 40 йил тўлди. Урганч шаҳрида бўлиб ўтган тантана қатнашчилари ана шу хусусда мароқ билан гапирдилар. Хотиралар қайта жонланди. Халқ қурилишига, эзгу ишларга бош-қош бўлган ажойиб кишилар: Собир Бобоёзов, Сафо Худаков, Очил Чўлибоев, Николай Калабугин, Виктор Пустовойт, Мадраҳим Раҳмонов, Комилжон Отаниёзов ва Ҳожихон Болтаевнинг номлари қайта-қайта тилга олинди. Тўй муносабати билан шаҳарда катта дам олиш ва спорт сайили ўтказилди. Ўзбекистоннинг турли вилоятлари, Туркманистон, Қозоғистон ва Қорақалпоғистондан ардоқли меҳмонлар ташриф буюрдилар. Тантана иштирокчилари ва темир йўлчиларни вилоят ҳокими М. Жуманиёзов, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси раҳбарлари самимий табрикладилар. Фахрийлар ва темир йўл хизмати илғорларига совринлар ва мукофотлар топширилди.

**А. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ТАРЖИМАИ-ҲОЛИДАН ҚАЙДЛАР: Сафар Салимов 1944 йил баҳорида 4-Украина фронтида Улуғ Ватан учун бўлган жангларда оғир яраланиб қайтгач, Тошкент ҳуқуқшунослик институтида таҳсил олди. Иш фаолиятини Қарши районн прокурори бўлишдан бошлади. Орадан бироз вақт ўтгач Қашқадарё вилояти суди раислигига сайланди. Ўзбекистон Олий суди аъзолигига сайлангунига қадар Денов, Сариосиё, Узун районларн бўйича ҳудудий прокурор, Қашқадарё вилоятн партия қўмитасида маъмурий органлар бўлими мудирн, 1972 йилдан эътиборан қарийб 14 йил мобайнида Тошкент шаҳар суди раиси вазифасида хизмат қилган...**

*• Қалб эътирофи*

# ҲАЛОЛЛИК—ҲАҚИҚАТНИНГ УСТУНИ

Бу қайдларни ўқиган кўплар уни танийди ва беихтиёр «Э-э, Сафар аками? Сафар ака ҳалол инсон»,— деган эътироф кўнгил кўчасидан ўтади. Мана шунинг ўзигина сўнгги вақтларда одамларнинг айрим ҳуқуқшуносларга нисбатан йўқолаётган ишончларига тиргак бўлади. Ва ўзингизга далда берасиз: «Прокурор, судьяларнинг ҳаммаси ҳам инсофини йўқотмаган-ку?»

Олам олам бўлгандан буён то шу кунга қадар уни омон сақлаб келган ўз мезонлари бор. Нодир замонлар ўз йўлигаю, лекин ҳар қандай ночор замонларда ҳам фақат Яхшилик истовчи, Тинчлик, Ҳақиқат, Эзгулик учун курашган, уни ўз қалбида деб билган инсонлар бўлган.

Элнинг ҳар бир куни байрам бўлсин. Ҳозирги ўткинчи деб таърифланаётган иқтисодий қийинчилик даврида ҳам одамлар ҳаётини фараҳли, ғуборсиз қиладиган қувончли дамлар бисёр. Шундай гўзал айёмларда дилга яқин, эзгу ишлари билан халқ кўнглига йўл топа олган кишиларни йўқлаб қоламиз. Одатимизни канда қилмаган ҳолда буюк воқеаларга бой бўлган йилнинг сўнгги кунида ҳамиша одамлар йўқловига сазовор бўлиб келган инсон ҳузурида бўлиб унинг дил сўзларини эшитарканман, узоқ муддат юқори лавозимларда ишлаган, айни пайтда собиқ раҳбарнинг айтган латифанома сўзлари («Салимовми? Ҳмм... Салимов яхши одам-у, лекин ўтакетган честний-да») нақадар беғараз айтилганига ишонч ҳосил қилдим.

— Мен учун болалик, ёшлик чоғларини эслаш ниҳоятда оғир — дейди Сафар ака. — Ота-онадан ҳали гўдак чоғларидаёқ етим қолганман. Очарчилик, бунинг устига тўрт йиллик ҳаёт-мамот жанги... Буларнинг ҳаммаси юракда оғир жароҳат қолдирган.

Сафар ака чуқур сўлиш олиб, ҳамсуҳбатига сезилмайдиган даражада секингина «уҳ» тортади. Кейин ўзигаўзи гапиргандай «лекин ўша пайтларда инсофли, яхши одамлар кўп эди» деб қўяди. Гарчи олдиндан тайёрлаб қўйилган саволларим кўп бўлса-да, индамайман. Шундан сўнг хотиралар жонланади.

— Келинг, мен сизга бириккита воқеани айтиб бераман. Лекин бу зинҳор газета учун эмас. Ўзингизга керак бўлиб қолар. — Сўнг у ҳикоясини бошлайди:

— Урушдан оғир ярадор бўлиб қайтган йилларим яхши одамларнинг маслаҳати билан қийналиб бўлса-да, Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институтига ўқишга кирдим. Ўша пайтлари институтдан берадиган стипендия кун кўришгаям етмасбўлганлиги учун анча меҳнат қилишга тўғри келди. Хуллас, ҳамма жомадонларини машинага жойлаб бўлгач, у менга битта юз сўмлик узата туриб (ўша вақтларда бир буханка нон тўрт юз сўм бўлган) бинт билан ёраб ташланган жаҳимга ишора қилди: «Нима бўлган?» Мен урушда ўқ оғзимга текканлигини гапириб бердим. У бир оз қараб турдида ,ўзи билан уйига боришлигимни айтди. Уйида турли хил егуликлар билан ясатилган дастурхон атрофида ўтирибмиз-у, менинг томоғимдан ҳеч нарса ўтмайди, денг. Хаёлим нуқул эрталабдан бери оч-наҳор ётган хонадош ўртоғимга кетаверганидан сўнг уй эгасидан жавоб сўрадим.

Ўша кеч уйга бир буханка нон, бир ҳовуч қант, юз сўм пул билан қайтганимни кўрган дўстимнинг йиғлаб айтган сўзлари ҳануз қулоғимда жаранглаб туради: «Сен буларни ўғирлаб келгансан. Ҳаммасини қаердан олган бўлсанг, ўша ерга ташлаб кел. Жон ўртоқ, оч бўлсак ҳам тинч яшайлик».

Сафар ака мулойимгина кулиб қўяди. Сўнг «булар урушдан кейинги йилларнинг воқеаси. Ҳаммаси ўтиб кетди. Ўшандай қийинчиликларни енган халқимиз учун бугунги вақтинчалик депсинишлар ҳеч гап эмас» деб ҳикоясини тугатади. Мен эса қаршимдаги инсоннинг иродасига, бошидан қанчалик оғир савдолар кечса-да, узоқ йиллар пойтахт суди раиси вазифасида ҳалол хизмат қилганига қойил қолиб сўрайман «Биласизми, нафақат сиз ишлаган ўша дамларда, балки ҳамма даврларда ҳам ҳақиқат учун кураш осон кечмаган. Айниқса, сиз хизмат қилган даврда маъмурий-буйруқбозлик усули энг авж олган паллалар бўлганлиги учун сизга ҳам бирон бир тазйиқ ўтказишга уринишлар бўлганми?»

— Қисқасини айтганда, мени бало-қазолардан ҳамиша мана шу ҲАЛОЛЛИК қутқариб келган. Агар инсон ўзининг поклигига ишонар экан, қийинчиликлар ҳеч гап эмас. Кунлардан бир кун «телефонда сизни Шароф Рашидович йўқлаяптилар», деб қолишди. Телефон гўшагини кўтардим. «Сафаржон, менинг олдимга фалон киши фалон масала бўйича келган экан. Ҳозир у кишини сизнинг олдингизга юборсам, иши билан ўзингиз танишиб чиқсангиз, дедилар, раҳматлик. Бир оз вақт ўтиб қўшиб қўйдилар: «Яна Марказқўм биринчи котиби телефон қилди», деб ўзингизга жабр қилиб қўйманг. Ҳаммаси қонун бўйича бўлсин, иним». Бу гаплар менга бир умрлик ибрат бўлганди.

Ҳамсуҳбатим узоқ вақт жим қолди. Мен уни анҳ лашга ҳаракат қиламан. Қадарёнинг олис қишлоғидан келган кўзлари чақноқ ўсмирнинг пойтахтга қўйган илк қадами... Орадан йиллар ўтгач унинг худди мана шу шаҳардаги обрў-эътиборли, таниқли кишилардан бири бўлиши... Балки мана шу унинг хаёлини бир зум банд этгандир? Ахир «айём кунлари ёруғ хотиралар» эсланади-ку.

Мен Сафар ака каби инсонларни нафақат байрам кунлари, балки мавридини топиб мудом йўқлаш, уларнинг суҳбатини олиш зарурлигини англаб, кетишга чоғланаман.

«Янги йил халқимиз учун иқбол, омадлар йили бўлсин. Ишларимиз ҳаётида ёруғ кунлар мўл бўлсин» — дейди у. Яхшилик истовчи инсонга мен ҳам шуни тиладим. Йўлда кетар эканман хаёлимда унинг қуйидаги сўзлари чарх уради: «Ҳалоллик — ҳақиқатнинг устуни ҳисобланади».

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*• Ўзбекистон ва жаҳон*

**Нукус шаҳрига кираверишда қурилаётган муҳташам корхона биноси ҳеч кимни лоқайд қолдирмайди. Бу— Қорақалпоғистон — Туркия қўшма лойиҳаси асосида қурилаётган катта тўқимачилик комплексидир.**

# ЎРНИНИ ТОПГАН ЎРИНБОЙ




Қорақалпоғистон пойтахтининг 60 йиллиги тантаналарида иштирок этиш учун келган республика Президенти Ислом Каримовнинг дастлаб шу ерга ташриф буюрганлиги ва ишларнинг бориши билан қизиққанлиги ҳам бежиз эмас. Халқ хўжалиги учун жуда муҳим бўлган мазкур иншоот 1993 йилнинг кўкламида ўзининг дастлабки маҳсулотларини чиқара бошлайди. Энг қувонарлиси шундаки, ушбу комплексда хом ашё қайта ишланади ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Янги йил арафасида гоҳ туркиялик, гоҳ италиялик мутахассислар билан мунозара қилиб, баъзан эса қўли-қўлига тегмай ишлаётган қурувчиларга «ҳормасин» айтиб, бош қашишга ҳам вақт тополмаётган комплекс бош директори Ўринбой Мадиёров билан суҳбатлашдим.

Ўринбой оғани нафақат ўзимизда, балки бошқа республикаларда ҳам талабчан ва тадбиркор раҳбар сифатида яхши танишади. Ўз меҳнат фаолиятини қурилишда оддий усталикдан бошлаган бу киши қатор йиллар мобайнида турли лавозимларда ишлади. Ўттиз уч ёшида республика йўл қурилиш вазири бўлди ва бу соҳани 11 йил бошқарди. Эвазига... оммавий ур-йиқит даврида Гдлян тўдаининг «Қаллибек Камоловга бир тийин ҳам пора бермасдан қандоқ қилиб ўн бир йил вазир бўлиб ишладинг?» каби мантиқсиз хархашаларидан пичоқсиз сўйилди. Майли, бу ҳақда бошқа гал. Ҳозир эса асосий мавзумиз — комплекс, қўшма корхона ҳақида.

Республика раҳбарияти ҳар ҳолда кадр танлашда адашмаган эди. Яқиндагина, апрель ойида дастлабки пойдевори қўйила бошлаган корхона қурилиши бугун тугалланиш арафасида.

— Келинг, энг аввало, эртанги кунимизни ёрқинроқ тасаввур қилиш учун комплексимиз ҳақида умумий тушунча берсам, — дейди бош директор, — корхонамизда хом ашёни қабул қилиб олишдан тортиб, уни тайёр кийим-кечак ва бошқа маҳсулот қилиб чиқаришгача бўлган барча жараёндаги ишлар амалга оширилади. Яъни пахтани тозалаш, чигитдан ажратиш, ип йигириш, бўяш, тўқимачилик, бичиш-тикиш ва ҳоказо ишлар тўлиқ бажарилади. Бунга керакли бўлган жиҳозлар, ускуналар барчаси хориждан — Туркиядан ва Италиядан келтирилмоқда. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу ерда тайёр кийим-кечакдан ташқари тиббиётда ишлатиладиган махсус момиқ пахталар ҳам ишлаб чиқарилади.

— Ўринбой оға, муштарийларимиз қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини аниқроқ билишлари учун рақамлар билан сўзласангиз.

— Йилига 20 минг тонна пахтани чигитдан ажратамиз. 2050 тонна ип йигирилади. Мўлжалимиз дастлаб 6 минг жуфт тайёр маҳсулот — кийим-бош ишлаб чиқаришдир. Комплекс қурилишининг умумий қиймати — 12 ярим миллион доллар. Бунинг 10 миллиони фақат ускуна ва жиҳозлар учун сарфланади. Ҳар йили 23—25 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бу — бизнинг пулда 10 миллиард сўм атрофида бўлади. Демак, корхона бор-йўғи 2—3 ойда харжланган пулни қоплайди. Натижада республикамизнинг 1200 нафар аҳолиси иш билан таъминланади.

Энди шерикларимиз ҳақида ҳам икки оғиз айтиб ўтай. «Язекс» — Туркиядаги энг катта еттита корпорациядан биттасидир. Унинг вице-президенти Нафи Аҳмад Юракли ўзининг ишбилармонлиги, бой тажрибаси ва одамохунлиги билан ҳурматимизни қозонди. Вице-президентнинг Жўшқин, Усмон, Раҳмон, Исмат исмли ёрдамчилари бўлиб, уларнинг ҳар бири комплексдаги ҳар хил тармоқлар бўйича етук мутахассис. Умуман комплекс қурилишига катта ҳисса қўшган 22 нафар италян ва 30 нафар турк мутахассисларидан бизнинг йигитларимиз кўп нарса ўрганишди.

Ҳозирги кунда комплексимизнинг пахта тозалаш, трикотаж ва кийим тикиш фабрикалари, иситиш қозонхоналари тайёр бўлиб, ишлатиб ҳам кўрилди.

Комплексга киришингиз билан ип-йигирув ва тўқимачилик фабрикаларида мармар пол ва чанг ютиш камералари жуда сифатли қурилганлиги дарҳол диққатни тортади. Англиядан келтирилган 3 та иситиш қозони бу ердаги ишларнинг тўхтовсиз боришини таъминлайди. Комплекс қошида яқинда ишга туширилган подстанция жуда катта қувватга эга бўлиб, бутун бошли бир районни электр энергияси билан таъминлайди.

— Қурилишнинг сифатидан жуда кўнглим тўқ,— дейди Ўринбой Мадиёров,— мен Ўзбекистондаги, Арманистондаги кўпгина қурилишларга раҳбарлик қилганман. Шундан келиб чиқиб айтаманки, комплекс қурилишининг сифати аъло! Бунда «Қорақалпоқагрострой» бирлашмасига қарашли Жўлдос Манғитбоев, Кенгесбой Мингтурғановлар бошлиқ қурилиш ташкилотлари, Иниамин Холмуродов раҳбарлигидаги Нукус уйсозлик комбинати қурувчиларининг меҳнати катта бўлди. Айниқса, «Қорақалпоқавтотранс» бирлашмасининг юк ташиш бўлими бошлиғи Комил Муродов бош-қошлигидаги ҳайдовчилар оғиримизни енгил, олисимизни яқин қилишда ўзларининг катта хизматларини аямадилар. Улар ёрдамида 100 минг кубдан зиёд тупроқ ва бошқа қурилиш материаллари ташиб келтирилди.

Ҳали яна 150 миллион сўмлик иш қилиниши керак. Жўмладан, ишчиларимиз қатнови учун троллейбус линияси комбинат дарвозасига қадар олиб келинади. Умумий ер майдонимиз 450 гектар, шунинг 50 гектарида қурилиш кетаяпти, қолган 400 гектарида кўкаламзорлаштириш, алоқа тармоқларини йўлга қўйиш, стадион, магазин, болалар боғчаси қурилиши ва ҳоказо ишлар бажарилади. Ишчиларимизнинг якка тартибда уй-жой қуришлари учун ссуда (қарз пули) берамиз.

Менинг яна бир мўлжалимдаги нарса: ўзимизда алоҳида ёғ-мой заводи ҳам қуришимиз лозим. Чунки ўзимиз ажратиб олган чигитни яна аллақаёқларга жўнатиб ўтирмай, ўзимиз ёғ ишлаб чиқарсак, халқимиз учун ҳам, биз учун ҳам фойдали бўлади.

Директорнинг орзулари кўп. У жўшиб, куйинчалик билан гапирар экан, беихтиёр Ўринбой оға ўз ўрнини топганлигига имон келтирдим.

**Мансур АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ОНА САЙЁРАМИЗ
## ОМОН БЎЛСА БАС

### МЕҲМОНДЎСТ ТЕҲРОН

**● Сурия Араб Республикасининг вице-президенти Абдул Ҳалим Ҳаддам 4 январь куни Эрон Ислом Республикасига расмий ташриф буюрди.**

Унинг бу ташрифи чоғида Яқин Шарқдаги ҳозирги вазиятда икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар муҳокама этилади. А. Ҳаддам пойтахт тайёрагоҳида Сурия Эроннинг араб мамлакатлари билан яқинлашувига уриниб кўрмоқда, шунинг учун бу масала Теҳронда обдон муҳокама этилади, деб айтди.

### УМРИНГ УЗОҚ БЎЛСИН, ЯКУБ!

**● Исми — Якуб Вала, вазни — 4,5 килограмм, бўйи — 53 сантиметр, туғилган жойи — Тршебич шаҳри, ўзини аъло даражада ҳис этмоқда, — Мустақил Чехия Республикаси биринчи фуқаросининг қисқача таржимаи ҳоли ана шулардан иборат.**

Гўдак 1993 йилнинг дастлабки дақиқаларида дунёга келди. Чақалоқни собиқ президент Вацлав Гавел, Чехия Бош вазири Вацлав Клаус, Прага архиепископи, чех католик черковининг биринчи васийси Буюк Милослав, олимпиада чемпиони Эмил Затопек сингари машҳур кишилар чўқинтирдилар.

Нови-Бор шаҳридаги машҳур шиша корхонаси шишагарлари Якуб учун рамзий шиша сўрғич ясадилар. Кўплаб совғалар ичида чех давлатчилиги анъаналарининг рамзи саналган олтин дукат — тага ҳам бор.

### ЛАНДСБЕРГИС ПРЕЗИДЕНТ БЎЛМОҚЧИ ЭМАС

**● «Саюдис» ҳаракатининг фахрий раиси, Литванинг ҳозирги сейми (парламенти)даги мухолифият раҳбари, профессор Витаутас Ландсбергис биринчи босқичи 14 февралда бўладиган республика Президенти — давлат бошлиғи сайловида ўз номзодини қўйишни рад этди.**

Ўтган якшанба куни миллий телевидение орқали нутқ сўзларкан, Витаутас Ландсбергис ушбу қадами, бетараф номзод, Литванинг Америка Қўшма Штатларидаги элчиси Статис Лозарайтис фойдасига эканини маълум қилди ва Литва Демократик меҳнат партияси раҳбари, ҳозирги кунда Литва Президенти вазифасини бажариб турган Алгирдас Бразаускасни ҳам шундай кенглик қилишга даъват этди.

### ВАЗИР ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

**● Германия Федератив Республикаси иқтисодиёт вазири Юрген Меллеман Боннда бўлиб ўтган мухбирлар билан учрашув чоғида истеъфога чиқишини маълум қилди.**

Федерал канцлер маҳкамаси вакилининг хабарига қараганда, Гельмут Коль унинг истеъфосини қабул қилди. Айни чоғда федерал канцлер ундан янги вазир тайинлангунча ўз вазифасини бажариб туришини илтимос қилган.

### ҲАЙДОВЧИЛАР ЙОГА МАШҚЛАРИНИ ЎРГАНИШМОҚДА

**● Деҳлилик автобус ҳайдовчилари кўпсоатли машаққатли меҳнатдан сўнг уйга қайтишга шошилмайди. Чунки ишдан сўнг уларни автобус паркларида жорий этилган йога машқлари кутади.**

Илгари ҳайдовчилар соғлиғига бефарқ қарашда кўп бор айбланган ерости транспорти ва пойтахт транспорти корпорацияси вазирлигининг маслаҳати билан ана шундай ақлий ва нафас олиш машқлари жорий этилди. Ҳозир йоганинг тажрибали усталари ҳайдовчиларга чарчоқдан қутилиш йўлларини ўргатмоқда. Бу ерда йога санъатини эгаллаш — фалокатсиз ишлаш гаровидир, деб ҳисоблашади.

### ТИМСОҲЛАРНИ ЕНГГАН АБИБАКИР

**● Янги йил кечаси Кения шарқидаги Гарис шаҳридан оқиб ўтувчи Тана дарёсининг бир қирғоғидан иккинчи қирғоғигача 20 та тимсоҳ билан қимўзар ўйнаган киши машҳур бўлиб кетди. Тўғри, бу пойга олдиндан тайёрланмаган эди.**

Аслида воқеа бундай бўлган эди: Абибакар Салим янги йилни бутунлай янги инсон сифатида бошлашга қарор қилди. Бунинг учун, табиийки, обдон ювиниш керак. Тоза сувда роҳат қилиб ювинаётган Абибакар тўсатдан сирпаниб кетиб, тимсоҳлар макони бўлган дарёга йиқилиб тушди.

Қирғоқдагилардан ҳеч ким, барибир фойдаси йўқ деб ўйлаб, ёрдамга ошиқмади. Бироқ «сузувчи» ўзини йўқотмай, бор кучи билан дарёнинг нариги қирғоғига томон сузиб келди. Бу ўлим билан олишувни томоша қилиб турганлар Абибакар қирғоққа эсон-омон сузиб чиққанда ҳайратдан ёқа ушлаб қолишди. Айтишларича, одамга фақат янги йил кечаси омад шундай кулиб боқиши мумкин экан.

### ...ЎЗ НАСЛИНГГА ТОРТАСАН

**● Афғонистон ислом давлатининг Президенти Бурҳониддин Раббоний «Эроннинг афғон масаласини ҳал қилишга қаратилган самимий интилишларини маъқуллаш»ни маълум қилди ва икки мамлакат ўртасида алоқалар «абадият ришталари билан боғланган» деди.**

ИРНА ахборот маҳкамасининг Қобулдан хабар қилишича, Бурҳониддин Раббоний Эрон Ислом Жумҳурияти ташқи ишлар вазирининг муовини Аълоиддин Бўржирдий билан учрашаркан, Афғонистондаги вазият тўла изга тушиши учун маълум вақт керак ва Афғонистон раҳбарияти бу ишда Теҳроннинг ёрдамига эҳтиёжманддир, деб айтган.

### УЧОВЛОН БИР БЎЛСА...

**● Босния ва Герцеговинада ҳудудий чекловлар масаласи ўтган якшанба куни шу республикада уришаётган уч мухолиф гуруҳ раҳбарлари — Босния ва Герцеговина кенгашининг раиси Алия Изетбегович, серблар саркори Родован Каражич ва хорватлар раҳнамоси Мате Бобан ўртасида бўлиб ўтган музокаралардаги бош мавзуга айланди.**

Собиқ Югославия бўйича конференциянинг расмий вакили Фред Экхард музокаралардан кейин ўтказилган Брифингда сулҳ ўрнатиш ишида айрим силжишлар бўлганини маълум қилди. Томонлар конференция мувофиқлаштирувчи комитетининг ҳамраислари Сайрус Вэнс (Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан) ва Дэвид Оуэн (Европа Ҳамжамиятидан) 2 январь куни таклиф этган сулҳ асосида мулоқот юритишга келишиб олдилар.

### ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШДИЛАР

**● Парижга қисқа муддатли ташриф буюрган Америка Қўшма Штатлари Президенти Франция Республикасининг Президенти Франсуа Миттеран билан учрашувдан сўнг Вашингтонга жўнаб кетди.**

Давлат бошлиқлари мулоқот чоғида Босния ва Герцеговинадаги оғир аҳволни ҳамда Болқон ярим оролидаги ҳозирги қалтис вазиятни атрофлича муҳокама қилдилар. АҚШ ва Франция президентлари ҳозирги вақтда Бирлашган Милатлар Ташкилотида ва Хавфсизлик кенгашида обдон кўриб чиқилаётган Босния ва Герцеговина осмонида серблар ҳарбий авиациясининг учишига чек қўйиш масаласида томонларнинг фикри-хулосаси муштарак эканлигини билдирдилар.

## МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳар пахта тозалаш заводи клубида шоира Нодирабегим таваллудининг 200 йиллигига бағишланган «Ғазал бўстонининг маликаси» номли театрлаштирилган кеча ўтказилди. Тадбир ижодкорлари Нодирабегимнинг ҳаёт салтанатида адабиёт, санъат, ҳунармандчиликка катта эътибор берганлигини драматик саҳналар орқали ёритишга ҳаракат қилганлар.

Шаҳрихон район марказий кутубхона ходимлари шу куни «Нодирабегим сарчашмаси» деб номланган кўргазмани завод клубида намойиш этдилар.

* * *

Жиззах вилояти Дўстлик райони маданият уйи қошидаги «Ёшлик» ашула ва рақс дастаси мустақиллик, истиқлолни тараннум этган «Қўшиқ айтган етар муродга» номли янги дастурини намойиш эта бошлади.

* * *

Тошкент Давлат консерваторияси опера студияси бошчилигида ташкил этилган мусиқий лекторий қувончли янгилик. Машғулотлар «Дунё мамлакатлари бўйлаб мусиқий саёҳат» деган умумий номда ўтказилиб, концерт — лекция кўринишида уюштирилади.

* * *

Йўлдош Охунбобоев номидаги республика Ёш томошабинлар театри жамоаси драматург Равшан Ёриевнинг «Ҳаёт япроғи» спектаклини мухлислар ҳукмига ҳавола этди. Замин ва унинг тақдири ҳақида жон куйдириб, ер юзини қоплаб олмоққа қасд қилган жинларни енга олган ёш қаҳрамон саргузаштларини болалар зўр қизиқиш ва ҳаяжон билан томоша қилдилар. Асарни истеъдодли режиссёр Рустам О[illegible]ов саҳналаштирган. Ролларни Ўзбекистон халқ артисти М. Йўлдошева, республикада хизмат кўрсатган артистлардан Л. Саъдуллаев, Т. Ҳамдамова ва бошқалар ижро этмоқдалар.

* * *

«Ялла» Давлат вокаль чолғу ансамбли Бирлашган Араб Амирликлари бўйлаб ўтказилган гастрол сафаридан қайтиб келди. Ансамбль ўн беш кун давомида Амирликнинг кўплаб шаҳарларида бўлиб, ўзбек санъатини яна бир бор намойиш этдилар. Фаррух Зокиров, Рустам Абдуллаев, Э. Солиҳов, Авазбек Мансуров, Рустам Илёсовларнинг асарлари ва қайта ишлаган ўзбек миллий қўшиқларини араб томошабинлари илиқ кутиб олдилар. Сафардан муваффақият билан қайтган ансамбль яқин кунларда Тошкентда янги концерт дастурини намойиш этади. Шу билан бирга Корея сафарига ҳам жиддий тайёргарлик ишларини бошлаб юборганлар.

**С. СИРОЖИДДИНОВ.**

*• Сўраган эдингиз*

## ЖАРИМА ТЎЛАШ ШАРТМИ?

1992 йил 6 октябрда отамга тегишли бўлган автомашинада кетаётсам, Андижон вилояти давлат автомобиль назорати ходимлари «Янги нормада чиқарилган талонинг йўқ экан» деб машинани олиб қўйиш билан чекланмай 400 сўм жарима тўлаш қонунийлигини айтишди. Бундан норози бўлиб Андижон вилояти ДАН раҳбарларига мурожаат қилсам, у ердагилар ҳам: «Президент фармонига асосан жарима тўлаш шарт» деган жавобни қилишди. Менга ана шу масалани ойдинлатишда ёрдам беришингизни сўрайман.

**Шокир МАВЛОНОВ.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 13 январда «Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисидаги» Қонуни юзасидан қабул қилган қарорида 1992 йил 1 июндан республика ҳудудида ҳайдовчилик гувоҳномасига огоҳлантириш талони жорий этилган.**

**Фуқароларнинг истак ва таклифларини инобатга олиб, ушбу муддат 1992 йил 1 августгача узайтирилган эди. Ўтган давр ичида ИИВ ДАН Бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан оммавий ахборот воситалари орқали бир неча маротаба Қонунни қўллаш ва огоҳлантириш талонини бериш тартиби тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилган.**

**1992 йил 1 августдан сўнг талонсиз транспорт воситасини бошқарган шахс, ҳайдовчилик ҳуқуқига эга бўлмаган шахс билан баробар деб ҳисобланади. Уларга нисбатан маъмурий чора кўрилиб, транспорт воситаси Қонунда кўрсатилган муддатга ушлаб турилади. Ш. Мавлоновга нисбатан маъмурий ҳужжатларни расмийлаштириш вақтидаги ДАН ходимларининг хатти-ҳаракатлари қонунийдир.**

**М. БЕКМУРОДОВ,**
**республика ДАН бошқармаси бошлиғи.**

## МАҲАЛЛАДАН ҲИММАТИНГИЗНИ АЯМАНГ

**ҚАШҚАДАРЁ вилояти ҳокимлигида республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлимининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди.**

НОТИҚЛАР маҳалла хайрия жамғармасининг ташкил топиши маҳаллалар обрўйини кўтариш, урф-одатлар, қадриятларнинг тикланиши, камол топиши учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар. Маҳаллалар ихтиёрида кичик корхоналар, ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш, улардан тушадиган даромадларни кам таъминланган оилаларга, ёшлар тарбиясига оид тадбирлар ўтказишга сарфлаш, турли анъанавий маросимларни уюштириш лозимлиги айтилди.

Ўзбекистон пайчилик тижорат саноат-қурилиш банки Қашқадарё вилояти бўлимида жамғарманинг ҳисоби очилиб, вилоят деҳқончилик-саноат давлат ширкат уюшмаси бир миллион сўм, Қашқадарё давлат савдо концерни 200 минг сўм, «Қаршииндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси 100 минг, Шўртанг газ конлари бошқармаси 100 минг, Шаҳрисабз пахта тозалаш заводи 160 минг сўм ўтказди.

**(Ўз мухбиримиз).**

*• Яйловларни кезганда*

## КЎЧИ БИР ТУЯГА ЮК, ХОЛОС

Халқимизда: «Камбағал бўлсанг, кўчиб кўр», — деган нақл бор. Бу ҳикмат чўпон-чўлиқларни четлаб ўтгандай. Чунки улар ҳар йили оиласи билан икки-уч марта кўчиб, яйловларни ўзгартириб туришмаса, чорвага барака кирмайди, маҳсулот салмоғини ошириб бўлмайди.

Ражаб аканинг яйлов кезиб, сурув кетидан эргашганига ўттиз йилдан ошди. Ана шу вақт мобайнида 90 марта яйлов ўзгартирилди. Чўпон ҳам шунча марта кўчди. Оиласию болалари бунга кўникиб кетишган.

Илгари Нишон районидаги «Нишон» давлат наслчилик заводида сурув-сурув туялар бўларди. Чўпон кўчини уларга юклаб, яйлов кезарди. Эллигинчи йилларнинг охири, олтмишинчи йилларнинг бошида юқорининг кўрсатмаси билан туялар сал бўлмаса «эскилик сарқити, феодализм даврининг транспорти» деб эълон қилинди. Туя сурувлари рязанликларнинг «ватанпарварлик ташаббуси» қурбони бўлди: ёппасига гўштга топшириб юборилди.

Хўжалик ҳам гўштдан, ҳам қимматбаҳо туя жунидан ажради. Ражаб ака энди кўчини эшакларга ортиб ташийдиган бўлди. Қарангки, Марказдаги собиқ ҳукумат раҳномалари назаридан эшаклар ҳам қочиб қутулолмадилар. Ҳамма замонавий машина, мотоцикллар билан таъминланиши баҳонасида эшаклар ҳам қайсидир ажнабий мамлакатнинг қушхонасига жўнатилди. Кўч-кўрон эса юк машиналарига, тележкаларга ортиладиган бўлди.

Яқинда, октябрь ойининг ўрталарида Ражаб ака хонадони Гаур яйловидан қишлов жойига — Чиғилга кўчиши лозим эди. Машина ҳадеганда келавермади. Кўч-кўрон, бундан ўттиз йил бурунгидек, яна эшакларга ортилди. Ражаб аканинг таъбирича, рўзғор буюмлари тўрт эшакда «икки рейс» ташилди.

Ражаб Қурбонов чўлиқликка келган пайтлари ҳозирги ёшларга ўхшаб яйлов ўзгартиришини хуш кўрмас, янги жойга узоқ вақт ўрганолмай юрарди. Ҳозир эса, аксинча, баҳор бошланиши биланоқ кўчиш тараддудига тушиб қолади. Боқимидаги қўйлар ҳам чўпон ташвишларини сезгандек, яйловнинг у бошидан бу бошигача тўхтамайдиган одат чиқариб, ўзга маконга ҳайдалиши билан тинчиб қолишади.

Яйлов ўзгартирилишининг хосиятини Ражаб ака яхши билади. Қиш бўйи қўй боқилган яйловдаги ўт-ўланлар топталиб кетади. Айниқса, қоракўл қўйлар деярли ҳар куни хас-хашакларнинг энг сараларини чимдиб олишади. Уларни бир жойда узоқ муддат ушлаб туриб бўлмайди. Қўйлар янги яйловларда яйраб-яшнайди, чорва туёғи тегмаган ўт-ўланлардан баҳраманд бўлади, тез семириб, қўзилар тўлишиб етилади.

Айни кунларда Ражаб акалар хонадони Чиғил яйловида куну тунни бедор ўтказмоқда. Моҳир чўпонга ўғиллари Равшан ва Шодмон кўмакдош.

— Чорвачиликда ишнинг муваффақиятини, аввало, қишловнинг қандай ўтгани белгилаб беради,— дейди «Нишон» наслчилик заводи Халқ демократик партияси бошланғич ташкилотининг котиби, иқтидорли зоотехник Али Турсунов. — «Қишлов—синов», деб бежиз айтишмайди. Уни ҳар томонлама пухта ва уюшқоқлик билан ташкил этган, қўйларни қишдан семиз олиб чиққан чорвадор ютади.

Ўтган қишловда Ражаб Қурбонов бош бўлган отарда барча иш намунали уюштирилгани сабабли, баҳорги тўл олиш натижалари юқори бўлди. Мавжуд 695 совлиқнинг ҳар юз бошидан 110 тадан қўзи олинди. Ҳар бош қўйдан 2,5 килограммдан жун қирқилди. 600 қўзи насл учун ўстиришга қолдирилиб, бир отардан икки отар яратилди. Давлатга 175 дона қоракўл тери топширилди. Ишдаги муваффақиятлари учун ота-бола чўпонларга мукофот тариқасида 20 минг сўм ва 35 та қўй берилди.

Чўпон-чўлиқ баҳордан тортиб, то совуқ кунлар бошлангунга қадар қишловга тайёргарлик ташвишлари билан яшайди. Ражаб ака бу йилги қишловга пухта тайёрланди. Отари қишлайдиган яйловни қўриқлади. Қўтон ва кошарларнинг таъмирланишига бош-қош бўлди, етарли миқдорда ем-хашак тўпланишининг уддасидан чиқди. 80 тонна табиий пичан, 45 тонна майдаланган озуқа ва 6 тонна омихта ем ғамлаб қўйилди.

Ражаб ака сурувдаги ҳар бир қоракўл қўйининг ҳолатини яхши тушунади. Шунга қараб, боқувни ташкил этади. Қиш-қировли кунларда бўғоз совлиқларнинг қорни каппалаб қўйишига, намда ётиб қолишига асло йўл қўймайди. Акс ҳолда совлиқлар турли касалликларга чалиниши, қорнидаги қўзисига заҳмат етиши мумкин.

Баҳорнинг чорвачилик учун қулай келганлиги, ёз ва куз ойларида яйловларнинг қўриқланганлиги айни кезларда қўл келаётир. Далаларда табиий хашак мўл. Лекин тажрибали чорвадор бу билан қаноатланиб қолмаяпти. Совлиқларнинг ҳар бирига кунига 250 граммдан омихта ем, 2,5 килограммдан майдаланган хашак берилмоқда. Қўйлар ёғингарчиликлар туфайли ҳосил бўлган кўлмак сувни ичиб қўйишининг олди олинмоқда. Ҳар куни бир марта илиқ қудуқ суви билан суғорилаяпти, 18—20 соат яйратиб боқилишига эришилаяпти. Айниқса, тунда ейиш эътиборда. Яқинда бу ерда бўлган хўжалик мутахассислари отарда биронта ҳам заиф қўй йўқлигини қайд этдилар.

Иқтисодиётдаги қийинчиликлар чорвадорларни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Лекин Ражаб ака таъминотдаги танқисликлардан, ёнилғи камлиги натижасида транспорт воситаларининг аҳён-аҳёнда келаётганидан нолимайди. Негаки, яйловларда меҳнат қилаётган кишилар учун иссиқ кийимлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, сабзавот керагича элтиб берилмоқда.

Қурбоновлар оиласи парваришланаётган ҳар бош қоракўл қўй учун ойига 17 сўмдан олишади. Демак, чўпон хонадони бир ойда 13 минг сўм даромадга эга бўлаётир.

— Хўжаликда етиштирилаётган гўшт, қоракўл тери ва жуннинг давлат харид нархи ҳамон арзон, — дейди жамоа раҳбари Мадад Гелдиев. — Бу йил 554 тонна гўшт, 10 минг 708 дона қоракўл тери, 91 тонна жун тайёрланди. Бу маҳсулотлар Ражаб Қурбонов каби яйлов заҳматкашларининг ҳар қанақа об-ҳаво шароитларида баракали меҳнат қилганликлари эвазига яратилди. Ўйлаб кўринг, гўштнинг бир килограммини ўртача 80 сўмдан сотдик, бозорда — 150 сўм. Қарши гўшт комбинатида тайёрланаётган колбасанинг ҳар килограмми эса 300 сўмдан баҳоланмоқда. Шунга қарамай, мазкур корхонада хўжаликлардан келтирилаётган қоракўл қўйларнинг қуйруғи гўшт сифатида ҳисобга олинмаётганлиги чорвадорларни таажжублантирмоқда.

Энди жунни олиб кўрайлик. Унинг килограммини 95—100 сўмдан сотаётирмиз. Ҳолбуки, шунча миқдордаги жундан ўртача учта костюм-шим тайёрлаш мумкин. Бир костюм-шим 8—10 минг сўмдан пулланаётгани ҳисобга олингудек бўлса, чорвадорлар етиштираётган хом ашё учун кам ҳақ тўланаётганлиги аёнлашади.

Қоракўл тери-чи? Бир донаси давлатга 588 сўмдан топширилмоқда. Жаҳон бозорида эса унинг нархи — 7 доллар. Ҳозирги пайтда ҳар бир касб эгаси ўз меҳнатига, жамият тараққиётига қўшаётган ҳиссасига қараб рағбатлантирилиши, тақдирланиши керак. Нишонлик чорвадорлар ана шундай яхши кунлар умидида яйлов кезаяптилар, жамоат чорвасини кўпайтириш ташвишида меҳнат қилмоқдалар.

**Пўлат ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Тахминми ё ҳақиқат*

# АМИР ТЕМУР ДАРВОЗАСИ

## ТАРИХЧИЛАР УНИ АМИР ТЕМУРГА АЛОҚАСИ ЙЎҚ ДЕЙИШМОҚДА...

**Бу йилги таътилни Самарқанд давлат дорилфунунининг профессори, тарих фанлари доктори Нурбой Абирқулов билан санаторийда бирга ўтказдик. Домла билан ўзаро суҳбатларимиз мавзуси ўз-ўзидан тарихга борib қолганини сезмай қолардик.**

У киши Ғаллаорол районидаги Хўжакабут қишлоғида туғилиб, вояга етган. Тарих фани бўйича йирик мутахассис саналадилар Дунё остонадан бошланади деганларидек, домланинг завқи келган чоғи ўзининг қишлоғи ҳамда унинг тарихи ҳақида гапириб кетади. Айниқса, шу қишлоқ ҳудудидаги қабристондаги тошга ёзилган битиклар унга тинчлик бермасди.

— Тошдаги ёзувларни ўқитиш учун арабчани биладиган бир неча муллаларни олиб келдим. Лекин тишлари ўтмади. Бу ёзув санскритча, ё ўрхун-энасой битиклари бўлса керак! Қайси бир ўткинчи фотиҳ бу ёзувни қолдирган бўлса ажабмас.

Профессорнинг бу гапидан жуда ғалати ҳолатга тушиб қолдим. Қаранг, битта тош бизни қандай чуқур хаёлларга чўмдирмайди. Бу ҳудудлардан кимлар ўтмаган, дейсиз. Ўғуллари Буюк ипак йўлига туташ бўлган жойлар ахир?

Тилсиз, забонсиз ёзувлар... Бугун уларни ўқиш учун бизда билим етишмайди.

— Ўрхун-энасой битиклари дедингизми?

— Ҳа, — деди гапини салмоқлаб ҳамюртим Нурбой ака. — Бу ерда бир пайтлар шундай ёзувлар бўлган. Гувоҳи, мана, темир дарвозамиз...

— Ахир бу Амир Темур номи билан боғлиқ ном-ку? Ўрхун-энасой ёзувлари VI—VII асрларда битилган эмасми?

— Йўқ, — деди Нурбой ака, — бу дарвозанинг Темурга ҳеч бир алоқаси йўқ. Ўрхун-энасой битиклари темур-хопуг деб юритилади. Ишонмасангиз манбалардан ўқишингиз мумкин.

— Унда Темурланг деган ном-чи?

— Бу турк халқини, Амир Темурни, ўзбекни ҳақорат қилиш учун қўлланган атама. Биласиз-ку, тириклигида кучи етмаганлар ўлгандан кейин номини булғаб юришади. Рашидовшина деган номни ҳам чиқаришди-ку!

Шу пайт кўз олдимга темир дарвоза келди. Биз бу қопқасиз, кишини хайратга туширадиган дарани неча йилдан бери маъносига тушунмай Темурланг деб атаб келаверибмиз?! Билиб билмай буюк бобомизни оқсоқ Темур деб ҳақорат қилибмиз. Бу дарада ҳазрат Улуғбекнинг, ҳимматли Абдуллахон II нинг дастхатлари борлигига эътибор ҳам бермабмиз. Беайб парвардигор, бандасининг вужудида камчиликлар бўлиши мумкин. Лекин мени бир нарса ғоят хафа қилди. Айтишларича Америка президенти Рузвельтни коляскада олиб юришган экан. Олмониянинг буюк шоири Хайнрих Хайне фалаж бўлган. Бальзак оқсоқ бўлган, лекин уларнинг номларига гавдасидаги камчиликлар қўшиб айтилмаган.

Мен олимнинг таклифи билан жумҳуриятимизнинг Ғафур Ғулом номли нашриётида 1986 йилда чоп этилган «Қадимги ҳикматлар» китобини ўқиб чиқдим. Китоб Насимхон Раҳмонов томонидан нашрга тайёрланган. Ўрхун битикларининг Қул тигин бобидаги шундай сўзларга кўзим тушди: «...Лашкар тортиб тўрт тарафдаги халқни бутунлай босиб олганлар, бутунлай тобе қилганлар. Боши борнинг бошини эгиб, таъзим қилдирганлар, тиззаси борни чўккалатганлар. Шарққа — Қадирқан йишга, ғарбга — Темир дарвозагача ўрнашганлар. (Кўрдингизми, Темир дарвоза дейилаяпти— изоҳ бизники П. Т.) Қадирқан билан Темир дарвоза орасида хўжайинсиз, уруғ ҳокимиятисиз, чекланмаган ерга эга бўлиб, асл турк шу тарзда яшар экан. Улар доно ҳоқон экан, баҳодир ҳоқон экан, вазирлари ҳам доно ва ботир бўлган бўлиши керак, беклари ҳам, халқи ҳам тўғри экан...»

Бу гапларнинг бир томони Ғаллаорол районига ҳам тегишли эканини ўйлаб кўнглим тоғдай кўтарилди. Район ҳудудидаги тарихга оид вайроналар, битиклар бой ўтмишимизни эслатиб турибди-да, ахир. Тарихда ўқиганларим, мозийдан эсаётган саболар кишини ўйлатиб қўяди. Хаёлимдан Амир Темур даврида қурилган қўрғонлар ўта бошлади. Темир дарвозадан кейинги биринчи қўрғон Кўкгумбаз деб аталади. Ундан бугунги кунда ному нишона бўлмаса-да, далилий ашёлари эслатиб туради. Кексаларнинг айтишига қараганда Кўкгумбаз номи соҳибқироннинг номи билан боғлиқ. Қишлоқ ўртасида жойлашган тепаликда бир пайтлар маҳоватли гумбаз бўлган. Баҳор чоғларида қуёш нурида кўм-кўк бўлиб ялтираган. Шунга нисбат бериб Кўкгумбаз қўрғони деб аташган. Уни Амирнинг қуролланган аскарлари қўриқлаган. Дўст келса дорулсалтанатга қучоқ очиб кузатиб қўйган, душман келса шердай олишган. Қазилган пайтида ер тагидан чиқадиган сопол синиқлари, бўялган ғишт парчалари фикримиз тўғри эканлигини тасдиқлайди. Булар қад кўтарган қўрғоннинг қолдиқлари! Шу пайтда Амир Темур бобомизнинг ўгитларидаги сўзларни мароқ билан ўқигинг келиб қолади: «Катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, фақиру мискинларга лангар хона солсинлар, касаллар учун шифохона қурдирсинлар...»

Буюк соҳибқироннинг сўзларида ҳеч бир муболаға йўқлигини қурдирган қўрғонлари исботлаб туради. Кўкгумбаздан сўнг ҳозирги Сарбозорда қурилган қўшсарой қўрғони, Қизил қўрғон, Хонимқўрғон... Бу қўрғонларнинг тизимини Самарқанд шаҳрига боргунча давом эттириш мумкин, бироқ мен Ғаллаорол ҳудудида ўзи йўқ, номи борлари ҳақида сўз юритмоқчиман. Айтишларига қараганда энг маҳоватлиси Хонимқўрғон экан.

Халқ тилида Бибихоним асли исми эса Сароймулкхонимнинг шуҳратини ким билмайди, дейсиз. Темурий шаҳзодаларни тарбиялаган, уларнинг қалбига темурона эътиқодни солган бу хотунни Улуғбек ҳам жуда эъзозлаган. Улуғ малика деб шуҳрат қозонган Бибихоним ҳам ўз қўрғонини Ғаллаорол ҳудудида қурдирган экан. Айтишларига қараганда малика соҳибқирон юришларидан қайтаётиб, шу ерда ҳордиқ чиқарган. Бир-икки кун дам олган ва ёқиб қолиб қўрғон қуришни таклиф қилган. Ҳозир ҳам ўша қўрғоннинг вайроналари бор. Кишини ўйлантирадиган жойи қўрғон ғалла экиладиган ерларнинг ўртасида жойлашган. Уни ҳайдаладиган ерга айлантириб юбормаслик керак. Катта тарихни ўз вужудида сақлаб турган бу харобани асраб қолсак авлодларимиз олдидаги бурчимизни бажарган бўламиз.

Хаёл кўзи билан қарасангиз нимага қўрғонлар бузилиб кетган, деган савол кўндаланг бўлади. Ахир Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларда ўша даврларда қурилган минорлар, қўрғонлар асрлар билан юзма-юз бўлиб турибди-ку! Бу қўрғонларнинг бузилишидан манфаат борми? Бор экан-да, истилочилар тарихимизни йўқ қилиш учун яратган осори атиқаларга тармашар экан. Оқ подшонинг суйган генерал губернаторларидан бири фон Кауфманнинг олдига борган маҳаллий халқ вакилига айтган гапларини бир эсланг:

— Самарқанднинг осори атиқалари қулаяпти, уларни таъмирлайлик, тиклайлик...

— Ўша сен айтган осори атиқалар қанча тез қуласа, шунча яхши, халқ ўзининг кимлигини билмайди, — деб қўрслик билан жавоб берган генерал-губернатор.

Афсус, бу миноаларни Петербургга жўнатишнинг имкони бўлмаган, йўқса ҳозир ўша томонларга бориб кўриб келармидик...

Гуржиларда тарихга оид бўлса тақани ҳам бахмалга қадаб қўйиш расм экан. Бизда-чи? Номи бору ўзи йўқ қўрғонлар ҳақида битта суҳбатда кифояланиб бўладими? Фақат ўтмиш билан яшамасак-да, вақти-вақти билан халқимиз кечмишларини эслаб қўйсак дейман.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ,**
**Ғаллаорол райони.**

## ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ**

**Олтинкўл туманн марказида янги поликлиника ишга тушди. Бу масканда аҳолига ўн саккизта юқори малакали, қирқдан ортиқ ўрта малакали тажрибали тиб мутахассислари хизмат кўрсатмоқда. Замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган шифохона бир кунда 200 нафар беморни қабул қилаётир.**

**СУРАТДА: янги шифохона.**

**Ш. ОЛИМОВ сурати.**

• *Жиноятга жазо муқаррар*

# ИЛОЖИНИ ТОПИШСА ПАРАВОЗНИЯМ ЎМАРИШАДИ-ЕЙ...

**Темирйўл транспорти орқали ташиладиган барча юклар кўп ёки камлиги, қиммат ёки арзон бўлишидан қатъий назар тўла-тўкис ва нес-нобудсиз буюртмачиларга етказиб берилиши керак.**

Амалдаги тартиб-қоидага кўра, юклар вагонларга ортилиб қабул қилиниб олиндими, бас, унинг ичи пўлат из ходимлари жавобгардирлар. Кўп ҳолларда юк белгиланган манзилга вақтида ва тўлалигича етказиб берилаяпти. Лекин шундай нематлуб ҳодисалар ҳам содир бўлиб турибдики, уларга муносабат билдирмаслик асло мумкин эмас.

Ҳа, синчков газетхонларимиз фаҳмлашаётганидек, бу ерда гап темирйўлдаги ўғриликлар ҳақида бормоқда. Йўлда юкларни ўғирлаш, талон-торож қилишдек ҳунук воқеанинг юз бериши, шубҳасиз қўли ва кўнгли тоза ҳар бир одамни ранжитади. Яна бир аянчли томони шундаки, бундай ҳунук воқеаларнинг юз беришига темирйўлчиларнинг ўзлари ҳам сабабчи бўлишмоқда. Давлат, халқ мулкига хиёнат қилиш билан транспортчи деган шарафли номга доғ тушираётганлар кўпчилик олдида шарманда-ю шармисор бўлишмоқда, жиноий жавобгарликка тортилишмоқда.

Юкларнинг ўғирланиши аввало темирйўлнинг ўзига қимматга тушмоқда — йўқотилган ёки гумдон қилинган юк қиймати нақд пул билан жарима сифатида мижозга тўланмоқда.

Бу иллатга қарши кураш олиб боришга ҳаракат қилинаяпти, албатта. Бироқ уни тўла бартараф этиш, таг-томири билан йўқотишга эришиш мушкул бўлаяпти. Эгри қўллар ўзларининг нопок ниятларини амалга ошириш йўлида ҳеч нарсадан қайтмаяптилар, туйнук топмоқдалар. Бунинг оқибатида биргина ўтган йили ва шу йилнинг учинчи чорагида икки юз мартадан ортиқ ўғрилик ҳодисаси рўй берди. Унда қатнашган 346 киши, шу жумладан темирйўлда ишловчи 134 киши жазоланди, жиноий жавобгарликка тортилди ва суд қилинди.

Шумилов станцияси ходими Б. Маражапов илгари давлат мулкини ўғирлагани учун судланиб чиққан. У станциядаги «Ўзбеккоопвнешторг» номига келган юк контейнерларидан бирининг пломбаларини бузиб, баҳоси 320 сўмлик ҳар хил аёллар юбкаларидан 30 тасини пинҳона олиб чиқиб гумдон қилади. Лекин тегишли органлар ходимларининг бир неча ой давомида синчиклаб олиб борган қидирув ишлари туфайли жиноят фош этилади.

Шу станция ходими Собиржон Зокировнинг ҳам қўли эгри эканлиги маълум бўлди. Мўлжалланган ишини бир ўзи эплай олмаслигини пайқаб шериклар қидира бошлади. Ўзи билан бир станцияда ишлаб келган Нажмиддин Толанов ва «Зангори экран» устахонаси ишчиси Ҳотам Рўзиевларнинг қўйнига қўл солиб кўрган эди, адашмаганлиги маълум бўлди. Шундан кейин учовлон қулай вазият туғилишини кутишди ва ниҳоят мавриди келиб қолди — Ғарбий Германиядан «Узобувьторг» базасига келган контейнерни бузишиб, ундан «Соломандер» оёқ кийимларини олиб чиқишди ва қопга солишиб гумдон қилишди. Лекин улар ВОХР хизматчилари томонидан қўлга олиндилар ва шубҳасиз қилмишларига яраша жазоландилар. Тошкент темирйўл станцияси ходими Жумабой Картбаев ҳам давлат мулкига кўз олайтирадиганлардан чиқиб қолди. Билолов деган шахсга Р-65 маркали 11 дона рельсни нақд сотиб пулини олаётганда, яъни жиноят устида қўлга олинди.

Ховос темирйўл станциясига қарашли 8-сон вагонлар депоси ишчилари Илҳом Тешабоев, Сайдулло Мирзабоев, Турсунқул Ибрагимов, Алексей Алексеев, Фахриддин Абдураззоқов, Қурбонбой Рўзиқулов Қараганда шаҳридан Зарафшон станциясида жўнатилган ва Ховос станцияси депосининг вагон тузатиш йўлида турган вагон ичига киришиб, ҳар бирининг нархи 2285 сўмлик жами 23 дона, умумий қиймати 51412 сўмлик иситгич радиаторларни ўғирлаб чиқишаётганда милиция ходимлари томонидан қўлга олиндилар.

Термиз темирйўл станциясининг ходимлари Абдурасул Мусурмонов, Алихон Махманов, Рўзибой Ражабов, Рузибой Тойлоқов, Одилжон Қосимовлар Душанбега жўнатилиши керак бўлган вагон эшигини очишиб, жами 397,7 метр, яъни 23.522 сўмлик Сурияда ишлаб чиқарилган газламани яширин равишда ўғирлаб олиб, вагон тагига яшираётганда ВОХР ходимлари келиб қоладилар. Ўғрилар қочиб кетишади, лекин тегишли органлар томонидан қўлга олинадилар. Бунга ўхшаш воқеаларни кўплаб келтириш мумкин.

— Темирйўлда, жумладан пойтахт вилоятидаги станция ва кичик бекатларда вагонлардан турли хил буюмларнинг ўғирланишига қарши муттасил кураш олиб борилаяпти,— дейди Ўзбекистон Республикаси транспорт прокурори, катта адлия маслаҳатчиси Б. С. Бухоров. — Лекин у ҳамон кўнгилдагидек самара бермаяпти. Ҳар йили қилинган ўғирлик учун қанча-қанча жиноятчилар ушланиб суд орқали жавобгар қилинаяпти.

**Т. РАСУЛОВ,**
**адлия ходими,**
**Ш. УМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ҚИЗИҚУВЧИЛАР УЧУН

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ 1992 ЙИЛДАГИ ЭНГ ЯХШИ СПОРТЧИЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг қарори билан қуйидагилар Ўзбекистоннинг 1992 йилдаги энг яхши спортчилари деб топилди.

Аъзамов Феруз — самбо
Асрабоев Анатолий — отиш
Галиева Розалия — гимнастика
Ғаниев Рамиль — енгил атлетика
Григорьян Артур — бокс
Ғофуров Шуҳрат — дзюдо
Елестратов Вячеслав — самбо
Загребельний Сергей — шахмат
Захаревич Валерий — қиличбозлик
Логинов Валерий — шахмат
Муллажонов Игорь — чим устида хоккей
Мамедов Ботир — таэквондо
Мирзалиева Дилфуза — чим устида хоккей
Ненашев Александр — шахмат
Пирматов Абдуқодир — кураш
Поляруш Дмитрий — батут
Разгуляев Юрис — фигурали учиш
Салтаев Михаил — шахмат
Серпер Григорий — шахмат
Сирцев Сергей — оғир атлетика
Стергиаду Алики — фигурали учиш
Тошпўлатова Шоира — самбо
Усмонова Малоҳат — чим устида хоккей
Усов Сергей — енгил атлетика
Черязова Лина — фристайл
Чусовитина Оксана — гимнастика
Шмонина Марина — енгил атлетика
Йўлдошев Сайдали — шахмат

**К. ЮСУПОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг ўринбосари.**

*Улуғбек жамғармаси кўрик-танлови ғолибларини қутлаймиз*

# ХАЛҚ ҲАМИША ИСТЕЪДОДЛАРГА ТАЯНГАЙ

**ЭСИНГИЗДАМИ, илгари Улуғбек жамғармаси «Истеъдодларни излаймиз» кўрик-танлови эълон қилинганлиги ҳақида хабар берган эдик. Ўша кунданоқ жамғарма ҳайъатига янги-янги ишлар кела бошлади. Техникага оид 80 та, тиббиётга оид 40 та, экологияга тааллуқли 10 та, 50 дан зиёд адабиёт, санъат, маданиятга оид ишлар жамланди. Булар Тошкент Давлат Техника дорилфунунида кўргазма қилиб намойиш этилди ва улардан энг саралари танланди. Техникага оид ишларнинг 8 тасига, тиббиёт мавзундагиларнинг 7 тасига, экологияга оид бажарилган ишларнинг 3 тасига, адабиёт ва санъат асарларининг бир нечтасига соврин ва пул мукофотлари берилди.**

**Ўзбекистон жарроҳлик маркази ходими Анвар Мўминов билан Муроджон Соҳибов тақдим этган ишлар катта самара бериши назарга олинib, уларнинг ҳар бирига биринчи даражали диплом, 15 минг сўмдан пул мукофоти ва Туркия бўйлаб сафарга текин йўлланма тақдим этилди. Ғолибларга мукофотларни республика бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев топширди.**

**Мухбиримиз мукофотланганларнинг айримларидан интервью олди.**



**Мурод Мирза ШАРИФЖОН ўғли, Тошкент шаҳридаги Садриддин Айний номли мактаб ўқувчиси**

— ГАЗЕТАНГИЗ менга қадрдон бўлиб қолган. Айниқса, Ўзбекистон Президентига ёзган хатим босилгандан сўнг қизиқишим яна ортди. Ўшандан кейин Ислом Каримов мени қабул қилиб суҳбатлашди. Мен у кишига бу йил 7 синфда ўқишга ваъда бергандим. Яқинда 6 синф программалари бўйича ҳамма имтиҳонларни топшириб, 7-синфга кўчдим.

Мустақилликнинг 1 йиллигига бағишланган байрамда биз яна учрашдик. Саҳна томошаларини бирга кўрдик. Бу мен учун энг азиз онлар бўлиб қолди. Бир умр ёдимдан чиқмайди.

Инглиз тилини ўргандим, бемалол сўзлашаман. Математика, информатика асослари билан ҳам шуғулланаяпман. Улуғбек жамғармаси эълон қилган танловга ракета, уй ҳовли лойиҳалари устида бажарилган ишларимни, шеърларимни юборган эдим. Совринли ўрин олиш хаёлимда йўқ эди. Чунки 9 ёшли боланинг ютиб чиқишига кўпчилик ишонмаса керак. Биринчи даражали диплом ва 7 минг сўм пул билан тақдирлашди.

**Ҳакимжон МУРОДОВ, Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ўқитувчиси**

— БИР куни катта йиғинда ҳар йили 20 минг тонна қовуннинг уруғи олиниб, мағзи ташлаб юборилиши ҳақида гапириб қолишди. Қоқи қилишса бўлмайдими, деб сўрасам, шунча нарсани қуритишнинг ўзи бўладими, имкон ҳам йўқ, дейишди. Ўшандан кейин шу юмушни механизациялаштириш мумкин эмасмикин, деган ўй хаёлимдан ўтди. Ўзимча лойиҳалар чиздим. Талабалар — Олимжон Аҳмедов, Икром Нуритов, Сайфулло Аҳмедовларни ёнимга олдим. Ишга киришдик. Салкам уч йилда қовун ва мева қоқиси тайёрлашда бутунлай янги технология яратилди. 3—4 қурилмали линия фақат қовунни эмас, бошқа меваларни ҳам йиғиб теради, қирқади, қуритади ва идишларга жойлайди. Қурилманинг афзал томони шундаки, у 10—12 кунлик ишни 8 соатда бажаради. Ҳозир ана шу дастгоҳларни Тошкент экскаватор заводи ишлаб чиқаришга киришди.

Кичик завод мева-сабзавот пишиғигача вилоятларга етказилса, ажаб эмас. Ана шу ишимизни кўрик-танловига тақдим этгандик. Жамғарма ҳайъати совринга лойиқ топди. «Эришган илмий ютуқлар учун» махсус дипломи билан тақдирлашди.

ЯНГИ ЙИЛГА ЯНГИ УМИДЛАР БИЛАН

## ҲАЁТ БИЗНИНГ ОСТОНАДАН БОШЛАНГАЙ

**Хосият МИРЗАЕВА,**
**1-туғруқхона бош доясн:**

**Туғруқхонамизда ҳар йили ўрта ҳисобда беш ярим минг гўдак дунёга келади. Таваллудхонамиз кўплаб касалликларни даволашга ҳам ихтисослашган.**

1-шифохона таркибида бўлганлиги сабабли, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг буйруғига асосан юрак-қон томир касалликларига чалинган ҳомиладор аёллар ҳам бизга юборилади. Шундай бўлгач, зиммамиздаги масъулият кун сайин ошиб бораверади. Врач ва ҳамшираларимиз чин дилдан ишлашмоқда. Уларнинг сафини малакали мутахассислар билан тўлдириб бормоқдамиз.

Мана, 1992 йил ҳам охирлади. Йил чин маънода биз учун файзли бошланган эди. Негаки, 1 январь куни туғруқхонамизда ўн етти нафар гўдак дунё юзини кўрганди. Ўша жажжи болакайлар роппа-роса бир ёшга тўлишди.

Жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг бир йиллиги ҳам жамоамиз учун қўш байрамга айланиб кетган эди. Ўша сурурли кунда туғруқхонамизда ўн тўққиз нафар чақалоқ таваллуд топди. Уларнинг ота-оналарига ҳурматли Президентимиз номидан хилма-хил совғалар, мустақил республиканинг ёш фарзанди учун махсус таъсис этилган нишон ва табрик қоғозлари топширилди. Бундан ташқари, шифохонамиз томонидан ҳам тиббий анжомлардан иборат совғалар улашилди.

Янги йил — остонамизда. Ниятим туғруқхонамизга умид билан қадам босган ҳар бир аёл соғ-саломат енгиллашиб, боласини бағрига босганча даргоҳимиздан кулиб чиқиб кетсин. Бизнинг ҳам бутун кучимиз ана шу эзгу ният йўлига қаратилгандир. Янги йилни иш жойимизда кутиб олиш бизда одат тусига кириб қолган. Бу дафъа ҳам шундай бўлиши тайин. Бироқ бундан заррача хафа эмасмиз, аксинча хурсанд бўламиз. Негаки, ўша куни ҳам бизнинг саъй-ҳаракатларимиз билан жажжи инсонлар дунёга келади. Янги йилни мунаввар орзуларнинг мужассами бўлган чақалоқлар билан қаршилашнинг савобига нима етсин...

## ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛГАН БАДАВЛАТ БЎЛАДИ

**Фарҳод ТУРСУНОВ — Чироқчи тумани, «Чиғил» давлат хўжалиги пудратчиси:**

— Мен уч йилдан бери беш гектар ерга пахта экаман. Режаларни ошиғи билан уддалаяпман. Фойда ҳам ёмон эмас.

Президентимизнинг пахта харид нархларини ошириш ҳақида фармонлари чиққач, бизга тўланадиган иш ҳақининг салмоғи анча ортди. Йиллик даромадимизнинг ҳам чўғи анча баланд. Яқин кунларда қўлимизга тегиб қолади. Буларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофати туфайли эканлигини жуда яхши биламан. Одамлар кўпинча истиқлолнинг бизга нима бераётганлигини аввало моддий ва маънавий аҳволлари қанчалик, қай даражада ўнгланиб бораётганига қараб баҳолайдилар. Шу маънода ҳукуматимиз оддий халқ турмуш даражасини яхшилаш борасида амалга ошираётган кўплаб хайрли ишлари айни муддао бўлмоқда.

Ота-боболаримизнинг яратган деҳқончилик илми мисоли уммон. Биз ҳозир унинг фақатгина томчиларидан баҳраманд бўлаётирмиз. Келажакда мана шу уммоннинг қаърига кириб бориб, бебаҳо гавҳарларини қўлга киритишимиз зарур. Оддийгина пахтани олайлик. Унинг ҳосилдорлигини ошириш учун кўплаб зарарли кимёвий дориларни ишлатамиз. Ҳосилдорлик эса жуда ошиб-тошиб кетгани йўқ. Ваҳоланки, бурунги пайтларда миришкор деҳқонларимиз табиий ўғитлар ва мавжуд шарт-шароитлардан омилкорлик билан фойдаланиб, мўл ҳосил етиштирганлар. Ҳа, ҳосилдорлик фақатгина кимёвий ўғитларгагина эмас, балки ишнинг кўзини билишга ҳам боғлиқ.

Уч йил ичида деҳқончилик сир-асрорларини пухта ўрганишга интилдим. Яқинда яхши ниятлар билан Тошкент давлат деҳқончилик дорилфунунига сиртдан ўқиш учун ҳужжат топширдим. Далада орттирган тажрибаларимни замонавий деҳқончилик илми билан мустаҳкамлаб бормоқчиман. Қолаверса, шундай давр келаяптики, эртанги кунда оддий деҳқон ҳам ўз касби сир-асрорларини пухта билган ҳолда иш юритса, нанинки косаси оқаради, балки бадавлат ҳам бўлади. ку


**ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО**

• ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608. Буюртма Г—197.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир Анвар ЖУРАБОЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Карим БАҲРИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қулаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (масъул котиб, «Народное слово»), Муҳтарама УЛУҒОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Раим ФАРҲОДИЙ, Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Сандаҳрор ҒУЛОМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.

Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 20.00. Буюртма Г—33 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.